


III. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-март ойларида республика корхоналари томонидан 44,5 трлн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 111,8 % ни, sanoat ишлаб чиқариш индекси эса 105,0 % ни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) sanoatида ишлаб чиқариш ҳажмининг 7,6 % га (жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 5,8 пункт), тоғ-кон sanoati ва очик конларни ишлашнинг – 36,9 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 5,3 пункт), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 5,2 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,4 пункт) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 32,9 % га (ўсишга қўшган ҳиссаси 0,3 пункт) ўсиши ҳисобланади.

Январь-март ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича sanoat ишлаб чиқариш таркиби

(жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ- кон sanoati ва очик конларни ишлаш

Тоғ- кон sanoati ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 7,6 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 17,1 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон sanoatида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича чақик тош қазиб олиш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 2,2 мартага, каолин - 97,0 % га, шағал – 44,0 % га, газ конденсати – 19,4 % га, кўмир - 18,4 % га ва табиий газ – 6,4 % га ошганлигини, шу билан бирга нефть қазиб олиш ҳажмининг 10,3% га камайганлигини кузатиш мумкин.

Тоғ- кон sanoati ва очик конларни ишлашда йирик sanoat корхоналари томонидан натура кўринишида айрим турдаги sanoat

махсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-март ойлари учун)


	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- март	2017 йил январь-март ойига нисбатан, % да
Нефть	минг тонна	184,9	89,7
Газ конденсати	минг тонна	534,5	119,4
Табийий газ	млн. куб. м	14711,8	106,4
Кўмир	минг тонна	1087,0	118,4
Шағал	минг тонна	63,9	144,0
Чақик тош	минг тонна	239,4	2,2 м.

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 32,8 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 73,7 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,3 % ни (2017 йил январь-март ойларида - 1,8 %), ўрта-юқори технологиялини - 27,2 % (18,4 %), ўрта-қуйи технологиялини - 30,9 % (26,4%) ва қуйи технологиялини - 40,6 % (53,4%) ташкил этди.

**Январь-март ойларида ишлаб чиқаришнинг
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



Ўз навбатида саноатнинг мазкур тармоғида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан трактор ишлаб чиқариш 6,1 мартага, енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз) – 44,7 % га, автомобил двигателлари - 43,5 % га, акрил

ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар – 19,3 % га, дизел ёқилғиси – 18,2 % га, автомобил бензини - 11,6 % га ва ўсимлик ёғи (тозаланган) – 2,9 % га ошганлигини ва пахта толаси, тамаки маҳсулотлари, портландцемент, автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайганлигини кузатиш мумкин.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари
томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>2018 йил январь- март</i>	<i>2017 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз)	дона	38029	144,7
Юк автомобиллари	дона	485	55,2
Автобуслар	дона	137	65,9
Тракторлар	дона	432	6,1 м.
Автомобил двигателлари	дона	30403	143,5
Пахта толаси	минг тонна	366,0	99,2
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг тонна	68,2	102,9
Тамаки маҳсулотлари	млн.дона	2394,0	95,5
Автомобил бензини	минг тонна	309,9	111,6
Дизел ёқилғиси	минг тонна	291,2	118,2
Портландцемент	минг тонна	1725,6	87,3
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар	минг тонна	2,4	119,3

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3,6 трлн.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 8,2 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-март ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 %

га ва газсимон ёнилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ҳажмининг – 1,2 % га ошганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 446,3 млрд. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,0 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашёни - 71,2 % га, таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашёни - 50,1 % га, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматларнинг – 19,5 % га, оқава сувларни ёқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг – 10,4 % га ошганлиги кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь-март ойлари учун)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	44475,5	111,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	7613,7	136,9
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	4899,1	171,3
металл рудаларини қазиб олиш	2355,9	100,9
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	222,1	107,0
Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)	32783,7	107,6
улардан:		
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	5667,3	88,3
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	6409,5	109,3

	Млрд. сўм	2017 йил январь-март ойига нисбатан, % да
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	6751,3	129,7
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	683,8	101,8
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	305,8	102,4
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1249,7	107,6
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	3707,5	108,9
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	283,7	96,3
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	1845,6	98,5
металлургия саноати	5623,8	111,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	3631,8	105,2
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	446,3	132,9

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан (105,2 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 30,1 % ни ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари (2018 йил январь-март ойлари учун)



2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 48,9 % дан 2018 йил январь-март ойларида 60,5 % га ошиши кузатилмоқда.

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да
(январь-март ойлари учун)**




Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши

Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Сурхондарё (2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 143,3 % га), Андижон (133,6 % га), Хоразм (120,2 % га), Қашқадарё (113,3 % га) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (112,9 % га) сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари

(2018 йил январь-март ойлари учун)


(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳари (республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 16,0 % дан улушини), Навоий (11,8 %), Андижон (9,9 %), Қашқадарё (7,3 %), Фарғона (6,2 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Худудларнинг республика жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши

(2018 йил январь-март ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Жиззах ва Сурхондарё (1,5 % дан), Сирдарё

(2,2 %), Наманган (2,3 %) ва Хоразм (2,9 %) вилоятлари хиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-март ойлари учун)


	<i>Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>	<i>Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾</i>	<i>2017 йил январь-март ойига нисбатан, % да</i>
Ўзбекистон Республикаси	44475,5	111,8	13395,4	105,2
Қорақалпоғистон Республикаси	2171,2	112,9	253,0	103,8
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	4394,1	133,6	3174,2	141,1
Бухоро	1900,8	100,7	641,4	99,3
Жиззах	651,0	102,2	277,7	100,7
Қашқадарё	3265,1	113,3	510,3	101,2
Навоий	5252,8	101,4	482,1	101,2
Наманган	1006,8	105,6	523,1	102,5
Самарқанд	2314,0	98,4	1050,3	102,4
Сурхондарё	680,0	143,3	204,4	103,7
Сирдарё	959,8	106,5	241,4	106,7
Тошкент	7123,4	111,7	1160,8	108,8
Фарғона	2769,4	106,8	781,7	100,4
Хоразм	1273,9	120,2	742,9	125,1
Тошкент ш.	7104,9	108,5	3352,1	97,5

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Навоий вилоятида (5473,4 минг сўм), Тошкент шаҳрида (2876,0 минг сўм),

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

Тошкент (2486,9 минг сўм) ва Андижон (1456,8 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (1359,7 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-март ойлари учун)



Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (2017 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 140,4 % га), Андижон (131,4 % га) ва Хоразм (118,3 % га) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, Самарқанд (96,5%), Бухоро (99,2%) ва Навоий (99,8%) вилоятларида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг ҳиссаси


Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,8 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 28,8 % ташкил этмоқда.

Худудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 67,1 %), Наманган (57,9 %), Самарқанд (53,2 %) ва Жиззах

(48,7 %) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Навоий вилоятида (11,3 %), Қорақалпоғистон Республикасида (11,8 %), Тошкент (16,6 %) ва Қашқадарё (17,4 %) вилоятларида кузатилди.

Худудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да

(2018 йил январь-март ойлари учун)



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 619 та лойиҳа бўйича 4,6 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 135,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 399 та янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилнинг январь-март ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан лойиҳалар сони камайишига қарамай, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 3,4 мартага, уларнинг экспорти эса 29,4 % га ошганлигини, шу билан бирга яратилган иш ўринларини 2017 йилнинг январь-март ойларида нисбатан 41,2 % га камайганлигини кузатиш мумкин.


Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-март ойлари учун)

	2017 йил	2018 йил
Лойиҳалар сони, бирлик	623	619
Корхоналар сони, бирлик	271	262
Ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	1334,5	4563,3
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, млн. АҚШ долл.	104,3	135,0
Яратилган янги иш ўринлари, бирлик	679	399

Саноатда меҳнат унумдорлиги

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2018 йил январь-март ойларида саноатда банд бўлган бир кишига меҳнат унумдорлигини ўтган йилга нисбатан 10,1% га ўсиш имконини яратди.

Саноатда банд бўлган бир кишига саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати (2018 йил январь-март ойлари учун)




Шу билан бирга, меҳнат унумдорлиги Навоий вилоятида (45445,7 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикасида (32517,9 минг сўм), Қашқадарё вилоятида (31229,0 минг сўм), Сирдарё вилоятида (29126,2 минг сўм), Тошкент шаҳрида (28083,6 минг

сўм), Тошкент (24378,3 минг сўм) ва Андижон (23459,5 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (22750,0 минг сўм) юқорилиги кузатилди.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда республикада 51 мингга яқин саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 12330 таси Тошкент шаҳрига, 5518 таси Фарғона, 5380 таси Тошкент, 4989 таси Андижон, 3905 таси Наманган, 3837 таси Самарқанд, 2261 таси Бухоро, 2190 таси Хоразм, 2147 таси Қашқадарё, 1951 таси Жиззах, 1718 таси Сурхондарё, 1585 таси Навоий, 1130 таси Сирдарё вилоятларига ва 1455 таси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик (2018 йил 1 апрель ҳолатига)



Жорий йилнинг январь-март ойларида республикада 3 мингдан ортиқ янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 70 % Тошкент шаҳри, Фарғона, Тошкент, Андижон, Наманган ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади.